

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЙЛ ЧИКИШИ.

№ 156 (4362).

10
АВГУСТ
СЕШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР!

*ЎШТ, СУТ ВА БОШҚА

МАҲСУЛОТЛАРНИ КЎПЛАБ ЕТИШТИРАЙЛИК. *ЧОРВАЧИЛИКНИ КОМПЛЕКС

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИНГИЗ. *ЕМ-ХАШАКНИ МЎЛ ЖАМҒАРАЙЛИК. *СИЛОС

БОСТИРИШ ИШЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИНГ. *НАСЛДОР МОЛЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ

УЧУН БАРЧА ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАЙЛИК.



ЯНГИНГИЛДАГИ Назарали Нисов номли колхоз аъзолари пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ҳам йил сайин ривожлантирмоқдалар. Колхозда озуқа экинлари билан ҳам йил сайин мўл ҳосил етиштирилади. Чорвадорлар моллар боқувини яхшилаб ситирлардан кўплаб сут соғиб олмақдалар. Унда илгор сут соғувчилардан Валентина Кравцова ва Рахшай Исоқова ўртоқлар бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Фотохушхушимиз А. Абалин пешқадам сут соғувчилар В. Кравцова (чапда) ва Р. Исоқова ўртоқларини ферма ҳовлисида суратга олган.

БИРГАЛИКДА — МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

Жаҳон коммунистик ҳамдўстлиги ўзининг олға бориш суръатларини тезлаштириб, янги тузум замиридаги қудратли реформалардан тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш имкониятларини топпоқда. Эски дунё кучлари билан бўлаётган улғу курашда социализм ўзининг шак-шубҳасиз устунигини, инсоният туб проблемаларини ҳал этишга қудир эканлигини тобора яққол намойиш қилмоқда. У тарихий ривожланишнинг боринчи революционлаштирувчи асосий таъсирини ўзининг ҳужалик муваффақиятлари билан ўтказиб турибди. Ёшнинг башорат қилиб айтган бу сўзларини ҳозир кундаги бунинг ишларини яққол исботлаб бермоқда.

Қардош мамлакатларнинг ҳамма соҳаларида, жумладан моддий, ишлаб чиқариш соҳасида, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги бир-бирига қаршомонлама қўрсатётган кенг таъсир социализм кучларини кўпайтирмоқда. Кейинги даврда қардош коммунистик давлатларнинг коммунистик ва Ишчи партиялари, ҳукуматлари коммунистик мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий бирлигини, дўстлигини мустаҳкамламоқ учун янги катта қадамлар қўйдилар. Қардош мамлакат раҳбар арбобларининг Қримдаги дўстона учрашуви ва Ўзро, Иқтисодий ёрдам Кенгаши XXV сессиясининг натижалари жаҳон прогрессив жамоатчилиги маъна шундай баҳо берди.

Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва тақомиллаштиришнинг ҳамда коммунистик иқтисодий интеграциянинг сессияда яққоллиги билан қабул қилинган комплекс программаси кенг Совет Иттифоқида ва Ўзро, Иқтисодий ёрдам Кенгаши аъло бўлган бошқа мамлакатларда эълон қилинди. Социалистик интернационализм руҳи билан суғурилган комплекс программани 15—20 йил ичида босқичма-босқич амалга ошириб бориш социализм ва коммунизмининг янги талабаларини таъминлашда, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини янада юксалтиришда, жаҳон коммунистик системасининг иқтисодий ва маданий қудратини мустаҳкамлашда, социализмининг халқаро позицияларини мустаҳ-

камлашда тарихий роль ўйнайди.

Қардош партиялар коммунистик мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини аста-секин бир-бирга яқинлаштириш ва тенглаштириш жараёнини актив равишда йўллаб турибдилар. коммунистик давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши, интеграцияси учун келишиб олинган стратегияни ишлаб чиқмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек: «Бу — жуда катта сиёсий аҳамиятга эга иш, жаҳон коммунистик ривожланишдаги марказий бўғинларнинг бири. Биз шунга аминмизки, қардош мамлакатлар марксизм-ленинизм фанига таяниб, ҳужаликни юритиш ва ҳамкорлик қилиш методларини ижодий ривожлантириб ва тақомиллаштириб, коммунистик интеграциянинг муваффақиятли равишда олға силжита оладилар».

Ўзро Иқтисодий ёрдам Кенгашининг XXV сессияси қабул қилган программа мустаҳкам ва барқарор ҳалқаро коммунистик меҳнат тақсимоти негизига асосланган иқтисодий ва ташкилий тадбирлар комплексини ўз ичига олади. Бу программа интеграциянинг жаҳон коммунистик ривожланишдаги объектив тарихий жараён деб ҳисоблайди. Қардошларча ҳамкорлик ҳар бир мамлакатда бундай келтирилган айни бир тиндаги иқтисодий негизга ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мувофиқлигига, айни бир тиндаги давлат тузумига — ишчилар сиёсий бошчилигидаги халқ ҳокимиятига, ягона идеологияга — марксизм-ленинизмга қатъий таянади.

Чуқур, барқарор алоқалар бундан бўён ҳам коммунистик интернационализм принциплари, давлат суверенитетини, мустақиллигини ва миллий минфаатларини ҳурматлаш, мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзро манфаатдорлик ва ўртоқларча ўзаро ёрдамлашнинг принциплари асосида ривожлантирилади беради. Янги тиндаги давлатлараро муносабатларнинг маъна шу марксизм-ленинчи принциплари ҳаётий кунга эга эканлигини тарихий таърибга тўла равишда исботлаб берди.

(Давоми 3-бетда)

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА СИЛОС ВОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 9 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — маъсум бошидан бери, учинчи стун — бир кунлик ўсиш.

Юқори Чирчиқ	66.9	2.0
Оққўрғон	66.5	2.4
Вўғна	60.9	2.6
Пискент	44.1	1.3
Бекобод	44.0	2.3
Янгийўл	37.0	1.5
Ўрта Чирчиқ	34.9	0.3
Орғонқанд	23.1	1.3
Калинин	11.7	1.5
Бўстонлиқ	6.7	1.5

Область бўйича 44.0 1.6

ЛИВАНЛИК МЕҲМОНЛАР

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамятилар союзи ва араб мамлакатлари билан дўстлик совет жамятининг тақдирини фанойи СССРда меҳмон бўлиб турган ливан-совет дўстлиги жамяти делегацияси Тошкентга келди. Делегация составида шу мамлакатнинг таъин қилган жамоат арбоблари бор. Парламент депутаты, жамяти президент кенгашининг аъзоси Рашид Караме делегацияга бошчилик қилади.

Делегация билан бирга Ливаннинг СССРдаги элчиси Нам Амиуни ҳам Тошкентга келди.

Меҳмонлар 7 августда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов билан учрашдилар. М. Т. Турсунов дўстона сўҳбат вақтида республика эконимияси ва маданиятининг ривожланиши тўғрисида, халқ ҳужалигининг янада юксалиш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

Ливан-совет дўстлиги жамятининг делегацияси Ўзбекистон бўйлаб сайхат қилади. (3-ТАГ)

ШАРТНОМА

ИМЗОЛАНДИ

9 август. (ТАСС). Дехли. СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бугун Дехлида таянганда вазиятда имзоланди. Шартномага Совет Иттифоқи номидан СССР Ташқи ишлар министри А. Громико, Ҳиндистон республикаси номидан Ҳиндистон Ташқи ишлар министри Сваран Сингх имзо чекдилар.

ИНТЕНСИФИКАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

БИЗ ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚАНДАН ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДАМИЗ

Колхозимиз Тошкент шаҳри яқинида жойлашган. Шунинг учун ҳам барча ишларни пойтахт аҳолисини қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлашга қаратган ҳолда олиб бориш талаб этилади. Дехқонларимиз сабабот, картошка, мева, узум, полз экинлари маҳсулотлари етиштиридилар. Ҳўжалигимизда чорвачилик маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Кейинги йилларда чорвадорларимиз ийрини шохли молларни кўпайтиришда сезиларли натижаларга эришдилар ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида астойдил иш олиб бормоқдалар. Биз шаҳарликларга йил сайин кўплаб гўшт, сут, туҳум етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, бу йил етти ой давомида давлатга 25.5 тонна гўшт, 297 тонна сут, 16.5 минг дона туҳум сотдик. Бу соҳадаги планлар яхши бажариламоқда.

Сут-товар фермасининг иши умуман чакни эмас. Бу ерда ишлаётган кишилар ўз касбларини яхши қўрадилар ва шунинг учун ҳам бералган топириқларни қўнғилдайдик бажардилар. Фермадаги асосий ишлар су-хашак келтириш, моллар тавлин тозалаш меҳнатини ёрдамда бажарилади. Яқин кўнлар ичида «Волга» сут соғиб меҳнатини ишга туширамиз. Зоотехниклар моллар наслини яхшилаш йўлида кўп иш олиб бормоқдалар. Биз ана шунларни тўла амалга ошириш билан чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, аҳолининг гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларга бўлган талабини тўла қондириш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Ўзбиздан маълумки, чорвачиликни ем-хашак базасини мустаҳкамламай туриб кескин ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун биз ем-хашак жамғирини алоҳида эътибор бераётимиз. Колхозда ер ресурслари чегараланган. Шунинг учун биз майдонлардан ҳосил оlishни кўпайтирамиз, шаҳар яқинида жойлашган бунинг колхоз сингари ҳўжаликларда ҳар гектар ердан олина-

ётган ҳосилни йил сайин кўпайтирмай туриб, бундай катта мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз суғориладиган ерларнинг ҳар бир қаричини самарали фойдаланмоқдамиз.

Гектар ҳосилдорлигини оширишда озуқа экинларини кўшиб экиш яхши натижалар бермоқда. Бу йил колхоз 8 гектар ерга беда ва судан ўтинини кўшиб экти. Натижада кўтилгандан ҳам энди ҳосил олинди. Ҳар бир ўринда гектардан 100 центнердан кўк беда ва судан ўти ўриб олинаётир. Ҳозиргача ана шу ерларда уч марта ўрим ўтказилди. Ем-хашак етиштиришда ишлаётганларнинг ҳисобига кўра гектардан 500 центнердан кўк пичан олинмоқчи.

Биз маккажўхори билан хашакни тавлашнинг биринчи йил экатишимиз. 6 гектар ердан ана шу экинлардан мўлжалати ҳосил олиш мумкинлигини ҳозирнинг ўзидан қўрииб юлди. Маккажўхори кўк полс ўрилганда ҳар гектардан 500 центнердан силос бостириш имконияти туғилди. Маккажўхори тағидан хашакни тавлашнинг ҳар гектардан 550—600 центнердан ҳосил олишнинг мўлжаллаб турибмиз. Ваҳоланки, хашакни тавлашнинг энди ўзи экинганда 300 центнердан ҳосил олинади.

Ҳўжалигимизда беда майдони 137 гектарни ташкил этади. Шундан 74 гектар эски беда, қолгани бу йил экинган беда. Биз кўнламда беда экатишимизда сорго уруғини қўшиб селдик. Сорго экинини кўк ҳолида ўриб молларга едирдик, сорго ўриб олинган бедадан ривонни яна ҳам яхшилашиб кетди. Биринчи ўримдан кейин ҳар гектар ерга 200 килограммдан аммиак селитраси солиб бедаполларни ўғитладик. Бу яхши натижа берди. Иккинчи ўримнинг ҳар бирида гектардан 45 центнердан пичан ўриб олдик. Йил давомида гектардан олинган ҳосилни 90 центнерга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Эски бедалар бу йил яхши ҳосил бермоқда. Биринчи ўримдан олдин ҳар гектар бедага 500 килограммдан суперфосфат, 200 килограммдан аммиак селитраси солиб ўғитланди. Кейин кетма-кет борона қилинди. Шу кунгача биз бедани уч марта ўрдик ва ҳар гектардан 100 центнердан пичан олдик. Бедаполларни суғориш ва бошқа парвариш ишларини бу вақтида ўтказамиз ва гектардан 140 центнердан ҳосил олишнинг таъминлаймиз.

Озуқа экинлари уруғини экишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Биз ҳар гектар ерга 50 килограмм маккажўхори уруғи, 18 килограмм беда, 12 килограмм судан ўти, 15 килограмм хашакни тавлаш уруғи экимиз. Бу йил бу экинлар оддий усулда экилди. Келгуси йилдан бошлаб бизлар қаторларга аниқ уруғ ташлаш усулида экишни амалга оширамиз. Бу уруғининг иқтисод қилиб қилиш билан бирга, экинлар парварини яхшилашда катта роль ўйнайди. Бундан кейин биз озуқа экинлари уруғини 3-4 ҳўжалигимизда етиштириш талабларини кўрамиз. Бу билан ем-хашак етиштириш кўпайтирган ва арзонлаштирган бўламиз.

Бу йил колхозимизда 3000 тонна дағал хашак тайёрлаш, 2500 тонна силос бостириш мўлжалланмоқда. Ҳозирги лойиҳа ферма яқинида 300 тонна сенаяк жамғариб қўйилган. Буларнинг ҳаммаси молларни тўйдириб боқиб имкониятини беради. Бизда 670 бош қорамол, шундан 237 боши ситир боқилмоқда. Биз молларни, аниққа соғин ситирларни йилнинг ҳамма фаслида ширалди ва тўйимли озуқалар билан яхши боқамиз ва чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун курашамиз. КПССнинг XXIV съезди қарорларида кўрсатилганидек, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш учун зарур бўлган барча тадбирларни тўла амалга оширамиз.

З. ЖАЛИЛОВ,
Калинин районидаги Охунбобоев
номли колхоз раиси.

САМИМИЙ УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Совет Иттифоқида дам олаётган Монголия Халқ революцион партияси XVI съезди томонидан қўйилган коммунистик ва социалистик қурилиш вазифаларининг қандай бажарилаётганилиги, Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал билан учрашдилар.

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва Ю. Цеденбал ўртоқлар дўстона сўҳбатда КПСС XXIV съезди ва Монголия Халқ революцион партияси XVI съезди томонидан қўйилган коммунистик ва социалистик қурилиш вазифаларининг қандай бажарилаётганилиги, Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ю. Цеденбал билан учрашдилар.

Бир-бирларига ахборот бердилар. Учрашува иштирокчилари СССР ва МХР ўртасида сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва бошқа соҳалардаги аъзнавий Совет-Монгол дўстлиги ҳамда қардошларча ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга КПСС билан МХРнинг интилолларини изҳор этидилар. Ҳар икки мамлакат учун эътиборга сазовор бўлган халқаро масалаларнинг кенг доираси ҳам муҳомама қилинди. Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва Ю. Цеденбал ўртоқлар қардош мамлакатлар

раҳбар арбобларининг Қримда бўлган дўстона учрашуви коммунистик ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш, социализм мамлакатларининг бирлигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлиб ҳизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар. Самиимий дўстлик, қардошлик ва сидқидиллик вазиятида ўтган учрашува томонларнинг қараб чиқилган барча масалалар юзасидан фикрлари бир эканлигини яна бир қарра тасдиқлади.

КАПИТАЛ КҮРИЛИШИ — МАСАЛАЛАР МАСАЛАСИ

Х. ОЛИМЖОНОВ.

БЕРГАЛИКДА — МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

[illegible]

